

Ёшлар иттифоқи Термиз тумани Кенгашига янги раис сайланди



Ёшлар иттифоқи Термиз тумани маҳаллий Кенгашининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши раиси Ўқтам Холлиев, туман ҳокимининг ўринbosари Санжар Нуриев, Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Зикрилло Бакижонов ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари, ёшлар етакчилари ва сардорлар иштирок этишди.

Конференцияда ташкилий масала кўриб чиқилди ва Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши раиси сайлаб олинди. Ёшлар иттифоқи туман Кенгашига Қурбонназаров Отабек Эшмўминович раис этиб сайланди.

Отабек Қурбонназаров 1992 йил Термиз туманида туғилган. 2018 йилда Термиз давлат университетини тамомланган. Маълумоти бўйича мутахассислиги – биология. Бунга қадар тумандаги 9-сонли мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринbosари лавозимида фаолият юритган.